# ЯНГИ ЙИЛ БУТУН ХАЛҚИМИЗГА, ҲАР БИР ОИЛАГА

*Bayram arafasidagi o`ylar*

**Мамлакатимиз ҳаётида, жамият тараққиётида бунёдкорлик ишларига бой бўлган яна бир йил якун топаётир. Айниқса, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан амалга оширилган саховатли тадбирлар халқимиз турмушини кўтариш, фаровонлигимизни оширишга қўшилган беназир ҳисса бўлди. Энг муҳими, 2006 йил юртимизда тинчлик-барқарорлик таъминланди, хавфсизлигимиз янада мустаҳкамланди. Мамлакатни янгилаш, демократлаштириш ва модернизациялаш билан боғлиқ миллий давлатчилигимизни янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, Парламентимиз палаталари, жумладан, Сенат фаолиятининг самарали кечгани барчамизни қувонтиради.**

## ЮКСАЛИШЛАР ЙИЛИ

Ўтиб бораётган йилда Сенатнинг тўртта ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларини янада тараққий эттиришга, ислоҳотларнинг навбатдаги босқичига доир долзарб масалаларнинг ечимини топишга хизмат қилувчи қирқтага яқин қонун маъқулланди, халқаро шартномалар ратификация қилинди, Сенатнинг ваколати доирасидаги, жумладан, Олий суд, Олий хўжалик судларининг судьялари, дипломатик корпус вакилларини лавозимига тайинлаш, лавозимидан озод қилиш, айрим давлат ҳокимияти бошқарув идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»**ги қарорлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Парламент юқори палатаси томонидан маъқулланган **«Хусусий турар жой мулкдорлари тўғрисида»**ги, **«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»**ги, **«Ипотека тўғрисида»**ги, **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги, **«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»**ги, **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги моҳиятига кўра жамиятни модернизациялашда алоҳида аҳамиятга молик қонунлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилди.

Якунланаётган йилда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолиятини кафолатлашга, мулкдорлар сафини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотларни жорий этиш мақсадида Юртбошимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 майдаги **«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»**ги қарори билан жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш узоғи билан икки иш кунида амалга ошириладиган бўлди. Ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялар, адлия бошқармалари томонидан уларни солиқ ва статистика идораларида ҳисобга қўйиши амалиёти жорий этилди. Бундай қулайликлар тадбиркорларнинг эркин фаолиятини кафолатлаш баробарида, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояланишини тўлиқ таъминлайди. Албатта, жорий йилда мамлакат миқёсида амалга оширилган ислоҳотлар кўламини бирмабир, тўла қайд этишининг имкони йўқ. Қисқача баён қилганда, 2006 йилда халқимиз давлатимиз раҳбарининг атрофига жипслашиб, қўлни қўлга бериб, ҳаёт синовларидан мардонаворлик билан ўтиб, танлаган ўз йўлимиздан дадил одим ташлади ва йўлимизнинг тўғри эканига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Бу йил нафақат мамлакат миқёсида, шу билан бирга, халқаро майдондаги ўзгаришлар билан ҳам ёдда қолади. Янги 2007 йил фақат юксалиш, жаҳон ҳамжамиятининг, диёримиз ва халқимизнинг тинч-тотув, фаровон яшашига янада кенг имкониятлар яратадиган йил бўлишига тилакдошмиз.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

## ЯНГИЛАНИШ САРИ

**Одатда, ҳар йили йил якунида босиб ўтилган йўл сарҳисоб қилинади. Йил бошида ички ва ташқи сиёсатда, ижтимоий ҳаётда, иқтисод ва бошқа соҳаларда қандай вазифалар режалаштирилган эди-ю, йил охирига келиб нималарга эришилди? Сўзсиз, бугун биз шу саволларга жавоб излаймиз.**

Мамлакатимиз ҳаётида юз берган энг муҳим воқеалар ҳақида гапирганда, ЮНЕСКО билан биргаликда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Хивада Маъмун академиясининг 1000 йиллиги нишонланганини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яна бир кўзга ташланган ҳолат шу бўлдики, Ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслигини исботлаган бўлса, миллий ва диний қадриятларга бағрикенгликда кўпгина мамлакатларга намуна бўлишини намоён этди. Шунингдек, мамлакатда сиёсий тизимни либераллаштиришда дадил қадамлар ташланди.

Якунланаётган йилнинг моҳиятига келсак, сўзсиз, ҳомийлик ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз. Тўғриси, биз саховатли, меҳр-оқибатли юрт одамларимиз. Бировга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос фазилат. Мустақиллик йилларида бу фазилатнинг бир кўриниши янги мазмун ва шакл билан бойиб, «ҳомийлик» деган ном олди. Президентимиз **«Ҳомий»лар «ҳомий» деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз**», деган эди. Бундай одамлар орамизда кўп эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўтган йилларга бир назар ташланг. Барча йиллар бир-бирининг мантиқий давомидир. Ҳаммаси инсонпарварлик ғояси билан суғорилган. Барча хатти-ҳаракатлар инсон манфаатларига бўйсундирилган. 2006 йилда ҳомийликнинг самарасини деярли ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида кўрдик.

Маълумки, мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизидаги машҳур беш тамойиллардан бири — бу кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш эканлигини давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтди. Шундан келиб чиқиб, 2007 йил юртимизда «**Ижтимоий ҳимоя йили**» деб эълон қилинди. Маърузада бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилишнинг йўллари ва йўналишлари асослаб берилар экан, эътибор қаратиш зарур бўлган ҳолатлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. «**Албатта,** — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари, — **ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи ҳам кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак».**

Бу нафақат давлат идоралари, турли муассаса ва ташкилотлар, ҳомийлар ва маҳаллалар оқсоқолларига, балки ҳар биримизга тегишли.

Агар ижтимоий ёрдам кўрсатиш масаласига ҳукуматнинг эътибори нуқтаи назаридан ёндошиладиган бўлса, шубҳасиз, «**Ижтимоий ҳимоя йили**» давлат дастури ишлаб чиқилади ва шу асосда тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Албатта, бунда турли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланади. Энг муҳими, ёрдамга муҳтож ҳеч ким унутилиб ёки четда қолиб кетмайди. Шу ўринда бир гап: маҳаллаларда бой-бадавлат, ўзига тўқ, сахий ва саховатли инсонларни бундай хайрли ва савоб ишга жалб этишда ҳам ташкилотчилик кўрсатиш зарур. Бугун биз инсонпарварлик ғоясини мустаҳкамлаётган эканмиз, демак, миллий қадриятларимизни устувор биламиз. Бугун биз Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам қилаётган эканмиз, демак, ота-боболаримиз динига эътиқод, садоқатимизни намоён этаяпмиз. Бугун биз келажаги буюк давлат қураётган эканмиз, демак, эртанги кун пойдеворини мустаҳкамлаяпмиз. Айтинг-чи, озод ва эркин, эътиқодли ва диёнатли халқимиз учун бундан ортиқ бахт-саодат борми?!

Бугунги қутлуғ байрам арафасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси байрамона тус олади, одамлар кайфиятида кўтаринкилик ҳукм суради. Ана шундай пайтда Оллоҳга шукроналар айтамиз, озодлик берган имкониятдан фахрланамиз, табаррук қариялар дуосини оламиз, етим-есирлар, бева-бечоралар, ёлғизлар, ногиронлар, муҳтожлар ҳолидан хабар оламиз, ота-онамиз, яқинларимиз, қўни-қўшни ва таниш-билишлар дилини шод этамиз. Умуман, гина-қудратни унутамиз, табассум ила бир-биримизга салом бериб юртга омонлик, замонга тинчлик, турмушга фаровонлик, фарзандларимизга бахт тилаймиз. Агар шукур қилиб яшасак, юртимизга ва халқимизга Оллоҳнинг марҳамати ёғилади.

Юртбошимиз Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, **жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш йўлида бундан ўн беш йил олдин бошлаган ишларимизда халқимизга Оллоҳнинг ўзи куч-қувват берсин, ўзи мададкор бўлсин!**

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**



## СЕВИНЧНИНГ СЕВИНЧИ



–Ҳаётимда қувончли воқеалар кўп бўлган, – дейди суҳбатдошимиз, **2006 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор тараққиёт таълими ўн йиллик Дастури” юзасидан адабиёт ва санъат соҳасида ўтказилган Халқаро танловнинг адабиёт йўналиши бўйича ғолиби, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Севинч Норқобилова.** – Лекин 2006 йил менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди, десам арзийди. Мен мактабда ўқиш билан бирга шеърлар машқ қилиб тураман. Инглиз тилидан бадиий таржималар қилишга қизиқаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтказаётган Халқаро танлов ҳақида интернет орқали хабар топдим. Унга ўз шеъримни юборишдан аввал анча вақт иккиланиб юрдим. Кейин таваккал қилиб “Тараққиёт” сарлавҳали шеъримни инглизчага таржима қилиб, интернет орқали кўрсатилган манзилга жўнатдим. Тўғриси, бу танловда бирор-бир ўрин оламан, деб ўйламаган эдим. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ота-онамга ҳам, ўқитувчиларимга ҳам айтмадим. Чунки ўрин олмай қолсам, уларнинг олдида уялиб қолишдан чўчиган эдим...

Декабрь ойининг бошларида Халқаро танлов комиссиясидан келган мактубни ўқиб кўзларимга ишонмадим. Тан олиб айтаман, бундай бўлишини кутмаган эдим. Чунки якуний босқичи Банкок шаҳрида ўтказилган Халқаро танловда 150 мамлакатдан қатнашган ёш ижодкорлар орасида адабиёт йўналиши бўйича менинг “Тараққиёт” сарлавҳали шеърим биринчи ўринга лойиқ топилибди. 20 декабрь куни ўзим ўқиётган мактабда ЮНЕСКО номидан Халқаро танловнинг ғолиблик дипломи ва қимматбаҳо совғаларни топширишди. Топшириш маросимида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов ҳам иштирок этди.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, мен Халқаро танловда ғолиб бўлганимдан ҳам кўра, ота-онам, устозларимнинг қувонч кўз ёшларини кўриб кўпроқ хурсанд бўлдим. Бир сўз билан айтганда, бу мукофот нафақат меники, балки менга меҳр билан тарбия берган, адабиётга қизиқиш уйғотган ота-онам ва ўз ўқувчиларига бутун қалб қўрларини бағишлаб таълим бераётган устозларимники ҳамдир.

Яна шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, мен ва тенгдошларим Юртбошимиз яратиб берган кенг имкониятлар туфайли дунёга бўйлаяпмиз. Жаҳондаги тенгдошларимиз билан тиллашаяпмиз. Булар ҳаммаси истиқлол туфайлидир. Шундай экан, биз, ёшлар келажакда Президентимиз Ислом Каримов ният қилгандек, юрт корига ярайдиган баркамол авлод бўлиб вояга етишга бурчлимиз.

## БЕБАҲО СОВҒА

Мен бу йил Миробод туманидаги 214-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга бордим. 2006 йилда мактабга борганим, айниқса, 1 сентябрь – Билимлар кунида Президентимиз Ислом Каримовнинг совғаларини олганим бир умр ёдимдан чиқмайди. Биз – 1-синф ўқувчиларига Президентимизнинг совғалари – мактаб папкаси, дарсликлар ва ўқув қуролларини топширар экан, бошланғич синф ўқитувчимиз Наргиза опа Ҳожибоева шундай деди:

— Юртбошимиз сизларга ушбу совғани берар эканлар, келажакда ҳар бирингиз аъло баҳоларга ўқиб, одобли, мамлакатнинг эртаси учун хизмат қиладиган мутахассислар бўлиб етишишингизни истайди. Ҳар бирингиз олган совғангизга лойиқ ўқувчи бўлишга ҳаракат қилинг.

Уйга келиб, совғаларни дадам ва ойимга кўрсатганимда улар ҳам роса хурсанд бўлишди. Дадам менга бу совғаларни кўз қорачиғидай асраш ва 1-синфни тугатганимдан сўнг ҳам уларни эсдалик сифатида сақлаб қўйиш лозим эканлигини айтди. Мен ҳам, албатта, шундай қилишга сўз бердим.

Бугунгача дадамга ва ўқитувчимизга берган сўзимнинг устидан чиқиб, аъло баҳоларга ўқиб келаяпман. Ҳозиргача ўқиш ва ёзишни ўрганиб олдим. Ўқитувчимиз ёрдамида мамлакатимиз мадҳиясини ёд олдим. Байроғимиз ва гербимиздаги рамзларни адашмай айтиб бера оламан.

Мен ҳамиша аъло ўқиш ва одобли ўқувчи бўлишга, шунингдек, келажакда, албатта, эл-юрт учун хизмат қилишга сўз бераман.



**Ихтиёр БОЛТАБОЕВ,**
**Миробод туманидаги**
**214-мактабнинг**
**1-в синф ўқувчиси**

*Muammo va yechim*

## ҚОНУНИЙ НИКОҲ АФЗАЛМИ ЁКИ ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ?

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Никоҳланувчилар психик, наркологик, таносил сил касалликлари, ва ОИВ/ОИТС бўйича тиббий кўрикдан ўтиши зарур. Ҳомиладор аёллар шифокор ҳисобида турганида барча тиббий текширувлардан ўтади. Шу боис уларнинг никоҳларини қайд этиш учун қайтадан кўрикдан ўтишга зарурат бормикан?!

Демак, никоҳланувчилар, яъни ҳомиладор аёл ёки умумий фарзанди бор шахслар, Оила кодексига биноан, тиббий кўрикдан ўтмагунларича никоҳлари қайд этилмайди.

Тўғри, кейинги пайтларда баъзан келин ёки куёвнинг касали бор экан, биздан яширган экан, деган гаплар билан ёш оилалар бузилиб кетаётган ҳолатлар ҳам учраб туради. Айрим ҳолларда эса, улардан ногирон фарзандлар ҳам туғилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу сабабли тиббий кўрик ҳар икки ёшнинг турмушида ҳар хил нохуш ҳолатлар рўй беришининг олдини олиб, соғлом авлодни туғилишига замин ҳозирлайди. Лекин никоҳланувчилар учун оила қуриш муҳимлиги боис, аниқланган касалликлар никоҳни қайд этишга тўсқинлик қилмаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки Оила кодексининг 16-моддасида никоҳни қайд этишга монелик қилувчи ҳолатлар батафсил кўрсатилган.

Агар оталикни белгилаш ёки ёлғиз оналик бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинса, 2003 йили туғилган болаларнинг 9 фоизига нисбатан оталик белгиланган, ёлғиз оналар эса 3 фоизини ташкил этган. 2004 йилда бу кўрсаткич 11 ва 3,5 фоизни ва 2005 йили эса, 12 ҳамда 4 фоизни ташкил этган. Лекин оталик нафақат биринчи фарзандига, балки иккинчи ёки учинчи фарзандга ҳам белгиланаётган бўлиши мумкин. Чунки юқорида айтиб ўтилганидек, ҳомиладор ва умумий фарзанди бор шахслар никоҳини ФХДЁ идорасига ариза берилган куннинг ўзидаёқ қайд этишнинг имконияти йўқ.

Ёлғиз оналар сони ортишининг асосий сабабларидан бири бу ФХДЁ идорасида никоҳдан ўтмасдан турмуш қуриб, эрнинг хорижга ишга кетиши ва оилада фарзанд туғилганида у четда бўлгани сабабли оталикни белгилаш имкони йўқлигидадир (оталикни белгилаш ишончнома орқали амалга оширилиши мумкин эмас). Зеро, ота томонидан нотариал тасдиқланган ариза юборилгунга қадар, туғилганлик ҳақидаги далолатномада ёлғиз она қайд қилинади.

Оила кодексининг 64-моддасига асосан оталиги белгиланган болалар, ота-онаси ва қариндошларига нисбатан, қонуний никоҳда туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади. Оталикни белгилаш болаларнинг насл-насабини белгиловчи, бола ва ота-она ўртасида ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи асос сифатида юзага келади.

Никоҳсиз қурилган оила пойдевори йўқ бинога ўхшайди, мўрт бўлади, дуч келган салбий таъсирлардан бузилиши табиий. Оталикни белгилаш масаласида ФХДЁ ёки судга мурожаат қилган ота-оналарнинг аксарияти ўз аризаларида «шаръий никоҳланган»ликларини кўрсатиб ўтишади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун диний идора ходимлари шаръий никоҳ ўқилишидан аввал никоҳланувчилар ФХДЁ идорасида қонуний никоҳдан ўтганликларидан воқиф бўлишлари, яъни уларнинг никоҳ гувоҳномаларини талаб қилишлари керак. Бундан ташқари, маҳалла аҳли маҳаллаларда тўй бўлаётганини билган ҳолда, оила қураётганлар ёки уларнинг ота-оналарига ёшларнинг, албатта, қонуний никоҳдан ўтиши учун ФХДЁ идорасига ариза билан мурожаат этиши, тиббий кўрикдан ўтиши лозимлигини тушунтириши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ФХДЁ идоралари ходимлари томонидан ҳам аҳоли ўртасида қонуний никоҳнинг, оталикни белгилаш ва ёлғиз оналикнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида тарғибот ишлари олиб борилиши даркор.

Президентимиз: **«Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади»**, деб таъкидланган. Дарҳақиқат, болага она сути қанчалик зарур бўлса, отанинг намуна бўлиши ҳам шунчалик даркор. Ота намунаси болалар тарбияси, маънавияти учун жуда муҳим. Шунга кўра, туғилган фарзандлар нафақат соғлом оилада, балки ота-она бағрида камол топиши учун фарзандни дунёга келтирадиган эр ва хотиннинг ўзи соғлом бўлиши ва турмуш қуришидан аввал тиббий кўрикдан ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги Низомга асосан, тиббий кўрикдан ихтиёрий равишда ўтиш тартиби фақат ҳомиладор, умумий фарзанди бор, бирга оила қуриб такроран никоҳдан ўтаётган ва кекса ёшдаги никоҳланувчи шахсларга ҳам татбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Дилбаҳор ЁҚУБОВА,**
**юридик фанлари номзоди**

*Muloqot*

## ШАХСИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ НИМА?

***— Киши ўзининг бирон-бир буюми, ҳовлиси, машинаси ёки бошқа кўчар ва кўчмас мулкини суғурта қилдириши ҳақида кўп эшитганмиз. Айтинг-чи, инсон ўз ҳаётини ҳам суғурта қилдириши мумкинми?***

**Б.АБДУСАМАТОВ,**
**Гулистон тумани**

— Ҳа, мумкин. Суғурталаш фуқаролик қонунчилигига асосан шахсий суғурта шартномаси, деб юритилади.

Фуқаролик кодексининг 921-моддасида шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади.

Шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, шахсий суғурта шартномаси суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади.

Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, жумладан, суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса, унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

## КЎМАК БЕРИЛАДИ

***— Мен болаликдан I гуруҳ ногирониман. Айтинг-чи, ногиронларга уйига бориб тиббий хизмат кўрсатадиган ташкилотлар ёки тиббий муассасалар борми? Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз?***

**Ш.РЎЗМЕТОВ,**
**Ғаллаорол тумани**

— **«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 34-моддасида бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий ёрдам идоралари уйга бориб ёки доимий ишлайдиган муассасада тиббий ёки маиший хизмат кўрсатиши қайд этилган.

Давлат бошқаларнинг парваришига муҳтож ногиронларга ижтимоий ёрдам берувчи доимий муассасалар тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади.

Агар ишчи ёки хизматчи корхона, бирлашма, муассаса, ташкилотнинг айби билан ногирон бўлиб қолган ҳамда бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлса, шу корхона, бирлашма, муассаса, ташкилот соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот идораларининг хулосасига мувофиқ, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган даврда беморни парваришлаш учун ўз ҳисобидан уйда қараб турадиган бир кишини ёллаши шарт ва ногиронга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарнинг ўрнини қоплайди.

**Саволларга**
**юридик фанлари номзоди**
**Саломат НИЁЗОВА**
**жавоб берди**

*Yangi yilni kim qanday kutadi?*

# ЯНГИ ЙИЛ ҒАРОЙИБОТЛАРИ

**Маълумки, жаҳонда ҳар бир халқнинг, миллатнинг фақаттина ўзига хос бўлган турфа байрам-у, тантаналари бор. Дейлик, Шарқ халқларининг «Наврўз»и Ғарб халқлари ҳаётида учрамайди. Ёки ғарбликлар учун одатий бўлган бирор-бир байрам бизга ғалати туюлиши мумкин. Лекин бутун башариятга дахлдор ягона байрам ҳам мавжудки, бугун сиз билан биз айнан ана шу байрамни қаршилаш арафасида турибмиз.**

Назаримизда, гап нима ҳақда бораётганини зукко ўқувчиларимиз аллақачон тушуниб етишди. Ҳа, тўғри топдингиз. Бу миллати, дини, эътиқоди-ю жаҳоннинг қайси бурчида яшашидан қатъи назар, барча миллат ва элатлар бирдек нишонлайдиган байрам – янги йилдир. Тўғри, айрим мамлакатларда янги йил байрами айнан 31 декабрда эмас, балки йилнинг бошқа бирор ойи ёки кунида ҳам ўтказилиши мумкин. Аммо дунёда бу байрамни тантана қилмайдиган бирорта ҳам миллат йўқлиги бор гап. Фақат янги йилни кутиб олишда ҳар бир халқнинг ўзига хос удумлари борки, бугун биз сизга шу ҳақда маълумот бермоқчимиз.

Болгарияликлар янги йилни ўзига хос тартибда кутиб олишади. Энг қизиғи, улар янги йил кириб келишидан роппа-роса уч дақиқа аввал, уйдаги барча чироқларни ўчириб қўйишади. Қоронғулик қўйнидаги бу уч минут "янги йил бўсалари", деб номланади. Чунки бу халқ қадим-қадимдан чироқ ўчирилган дақиқаларда ҳар ким ўзига ёққан одамни ўпиш ва бу бўса бир умр сир сақланиш одатига амал қилиб келади.

Румин аёллари эса янги йил учун жуда кўп ширинликлар пиширишига тўғри келади. Одатга кўра, ҳар бир ширинликнинг ичида, албатта, нимадир яширилган бўлиши шарт. Масалан, узук, кичик-кичик чинни совғачалар ёки аччиқ қалампир. Румин халқи ривоятларига таяниб айтадиган бўлсак, танланган ширинлик ичидан узук топган инсон йил давомида бахтиёр яшайди. Аксинча, ширинлиги орасидан қалампир чиқиб қолган одам эса янги йилни "йиғлаб" ўтказар экан.

Италияликлар бутун ғам-ташвиш, касаллик ва бошқа "бош оғриқ" ҳолатларни янги йилга "ўтказмасликка" ҳаракат қилишади. Бунинг учун улар янги йил кечаси ярим тунда ўз уйларидаги эски уй жиҳозлари ва идиш-товоқларни деразадан кўчага ирғитишади. Агар шундай қилинса, гўёки кириб келаётган йил давомида рўзғорларига ташвиш доримас экан. Шунингдек, Италия халқи янги йил тонгини, албатта, янги кийим-кечаклар билан кутиб олади. Чунки улар агар шундай қилинса, йил давомида яшариб ва янгиланиб юришларига ишонишади.

Италияликларнинг янги йил кутиш жараёнида амал қилинадиган яна бир ғалати одати бор. Ривоятларга кўра, қадимда янги йил кириб келган дақиқада дарёлардан бирининг суви олтинга айланиб қолган экан. Шунинг учун ҳам барча италияликлар янги йил кечаси соат тунги 12 га занг урган пайтда сувга тикилиб туришади. Шунингдек, бу халқ янги йил кутиладиган кечада иложи борича кўпроқ узум ёки майиз ейишга ҳаракат қилади. Чунки ривоятларда янги йил кечаси узум еган одам умрининг узунлиги ва бойлиги унинг қанча узум тановул қилганлигига ҳам боғлиқ қабилидаги афсона мавжуд.

Кўпчилик халқлардаги удумнинг акси ўлароқ, французлар янги йил дастурхонини қовурилган куркасиз тасаввур қила олмас экан.

Кубаликлар эса янги йилни қўлларида қадаҳ тўла сув билан кутиб олишади. Йўқ, бу сувлар ичиш учун эмас. Аксинча, соат роппа-роса ўн иккига занг урганда барча янги йил кутувчилар қўлларидаги қадаҳ тўла сувни очиқ деразалардан кўчага сепишади. Бу уларнинг эски йил яхши тугагани ва янги йил худди қадаҳдаги сувдек тоза, тиниқ ва омадли келиши учун бир-бирларига билдирган тилакларидир.

Испан ва португал халқларида урф бўлган одатга кўра, янги йил кириб, соат тунги 12 га занг урган маҳалда, соатнинг ҳар бир занги учун ички бир ният билан бир донадан узум ёки майиз ейилади. Яъни истеъмол қилинган 12 дона узум йилнинг ўн икки ойи мобайнида инсоннинг соғлиги ва ҳар бир нияти амалга ошишига кўмакдош бўлар эмиш.

Австралияликлар эса янги йил дастурхонига қуш, ҳатто товуқ гўшти ҳам тортишмайди. Чунки уларнинг назарида, янги йил кечаси қуш ёки товуқ гўшти истеъмол қилинган хонадонда йил бўйи барака бўлмайди. Яъни хонадонга тегишли бўлган қут-барака дастурхонга тортилган жониворнинг қанотида учиб кетади.

Венгер халқи ҳам худди шунга ўхшаш одатга риоя этади.

Грек халқи эса янги йилнинг илк кунини авлиё Василий куни сифатида ҳам нишонлайди. Халқ афсоналарига кўра, авлиё Василий яхшилик ва эзгулик тимсолидир. Шунинг учун ҳам грек болалари янги йилнинг илк тунида ўз оёқ кийимларини печка (камин) ёнида қолдиришади. Агар шундай қилинса, авлиё Василий ярим тунда келиб, оёқ кийимларини турли-туман совғалар билан тўлдириб кетар эмиш.

Маълумотларга қараганда, қадимда немис халқи дарахтларга нисбатан худди тирик жонзотларга бўлгандек муомала қилишган. Шунингдек, улар дарахтларни "яхши" ва "ёмон" тоифаларга ҳам ажратишган. Уларнинг назарида, йил ўн икки ой ўз яшиллигини сақлаб қоладиган арча дарахти эзгулик тимсоли ва "ўрмоннинг яхшилик руҳи" ҳисобланган. Шунинг учун ҳам улар арча дарахтларига "совға" сифатида турли ўйинчоқлар ва безаклар осишган. Қолаверса, немислар арча дарахтини мангу ёшлик, мардлик, садоқат, узоқ умр рамзи сифатида ҳам қабул қилишган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам дунё халқлари арчани янги йил тимсоли сифатида қабул қилишган.

Голландлар янги йилни кутиш учун алоҳида ичимлик тайёрлашади. Бу ичимликнинг номи "слем" бўлиб, у фақат янги йил кечасида ичилади. "Слем"ни тайёрлаш учун қайноқ сутга чой, шакар, ҳар хил ўсимликлар томири, лимон, шафран, чиннигул ва мускат ёнғоғи солинади. Албатта, ушбу ичимликнинг таъми ҳақида тотиб кўрмасдан туриб, бир нарса дея олмаймиз.

Польяклар эса янги йил дастурхонига, албатта, ўн икки хил турдаги таом тортилиши шарт, деб ўйлашади. Фақат улар орасида бирорта ҳам гўшт солинган овқат бўлмаслиги керак. Польяк халқи одатига кўра, дастурхонга балиқ, қўзиқорин ва карамдан тайёрланган таомлар тортилади. Шунингдек, уларнинг дастурхонини сули бўтқаси, шоколадли торт ва бошқа ширинликлар ҳам безаб туради.

Қизиғи, Бирма давлатида янги йил қоқ саратонга тўғри келар экан. Шунинг учун ҳам бирмаликлар бу байрамни "сув сайли", деб ҳам аташади. Чунки улар янги йилни бир-бирларининг устига сув қуйиш билан кутиб олишади. Бу ўринда қариндош-уруғ, таниш-нотаниш, деган гап йўқ. Ҳамма қўлидаги идишдан кўчада дуч келган одамнинг устига сув қуйиши мумкин. Бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Чунки Бирмада бировнинг устига биров сув қуйса, бу уларнинг бир-бирига янги йилда бахт тилаши сифатида қабул қилинади.

Мақоламизга нуқта қўйишдан олдин биз ҳам сизга янги йилда бахт ва омадлар эшиги янада кенгроқ очилишини тилаб қоламиз.

**Сардор МАДАТОВ тайёрлади**

*Sirli dunyo*

# ОУК ОРОЛИНИНГ СИРИ

*ёхуд*

*яна хазина қидирувчилар ҳақида*

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

...Жеймс Питбладонинг Оук оролидан топган «бебаҳо олмос»и ҳақидаги «миш-миш»лар шу қадар болалаб кетдики, охир-оқибат сирли хазинани излаб топишга ишқибоз кимсалар сафи янада кенгайиб борди. Энди оролда нафақат Энтони Вооннинг «Синдикат Труро» компанияси, балки бошқа йирик компаниялар ҳам қидирув ишларини бошлаб юборишди. Тинимсиз қазиш-ишлари олиб борилиши натижасида орадан кўп ўтмай Оук ороли тешик ғалвирга ўхшаб қолди. Хазина қидирувчилар Уильям Кидднинг бойликлари кўмилган, деб тахмин қилишган асосий ер ости йўлини адаштириб қўймаслик учун барча шахталарни жойлашишига қараб рақамлаб чиқишди.

**КУТИЛМАГАН «ЯНГИЛИК»**

Албатта, барча хазина қидирувчиларнинг мақсади қандай йўл билан бўлмасин асосий ер ости йўлидаги сувни чиқариб ташлаш эди. Бироқ бахтга қарши уларнинг барча уринишлари зое кетар, асосий ер ости йўли ҳамон сувга тўлиб турарди. Энг қизиғи, ер ости йўли денгиз сатҳидан анча пастда жойлашгани, шу боис сувни камайтириш имкони йўқлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

Кутилмаган бир тасодифий воқеа эса барча «миш-миш»ларга чек қўйди. Гап шундаки, бурғулаш техникасини таъмирлаётган ёлланма ишчилардан бири кутилмаганда шахта тубига тушиб кетади ва у бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолади. Лекин у шахта тубидан «топиб» чиққан янгилик ҳаммани баттар ўйлантириб қўяди. Ишчининг айтишига қараганда, шахта суви худди денгиз суви каби шўр экан. Демак, шахтанинг иккинчи учи денгизга бориб туташган. Ана шундай оддий ҳақиқат кўпларнинг ҳафсаласини пир қилди.

Бироқ хазина қидирувчилар орасида шундай қайсар кимсалар ҳам бор эдики, уларни ҳеч қандай куч ниятларидан қайтара олмасди.

Энди бундай қайсартабиат кимсалар руҳини туширмай шахтанинг денгиз билан туташ қисмини аниқлаб, уни бекитишга киришишди. Бу пайтга келиб Оук оролида хазина қидирувчилардан ташқари 60 нафар ёлланма ишчи ва 30 та от ҳам бор эди. Ва ниҳоят, 1860 йилга келиб барча шахталардаги сув денгизга чиқариб ташланади. Сўнгги шахтадаги сув кечки пайт тортиб бўлингани учун ҳам «Синдикат Труро» компанияси директорлар кенгаши Уильям Кидд хазинаси кўмилган ер ости йўлига эрта саҳарда киришни режалаштиради. Лекин эрталаб уйқудан уйғонган ёлланма ишчилар оролда на компания директорлар кенгаши вакиллари ва на шахта қазиш ҳамда сувни тортиб олишга мўлжаллаб келтирилган техника воситалари борлигини кўриб ҳайратда қолишади... Буларнинг бари тунда сирли тарзда аллақаёққа ғойиб бўлган эди...

Шундан сўнг Оук ороли ва қароқчи Кидд хазинаси ҳақидаги «миш-миш»лар баттар болалаб кетади. Энди кимдир ўша кечаси компания хўжайинлари хазинани топиб, жуфтакни ростлаб қолгани ҳақида гапирса, яна бошқа биров ер ости йўлида ҳеч қандай бойлик бўлмагани ҳақида ҳикоя қиларди. Хуллас, нима бўлганда ҳам, Оук ороли сири яна очилмай қолади...

**ЭЛЛИК БЕШ ЙИЛЛИК ҚИДИРУВ**

Орадан 34 йил ўтгач, аниқроғи, 1894 йилда Оук оролига яна хазина қидирувчилар танда қўйиб олишади. Фредрик Лиандер Блэр исм-шарифли шахс махсус гуруҳ тузиб, Уильям Кидд хазинасини қидиришни бошлайди. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, Фредрик ўзининг бутун умрини Оук оролидаги хазинани қидиришга бағишлайди. 1894 йилда бошланган қидирув ишлари 1951 йил, янаям аниқроғи, унинг ўлимига қадар давом этади. Бироқ 55 йил давом этган қидирув ишлари бирор-бир натижа бермайди.

Шу томони эътиборлики, Фредрик Лиандер Блэр бошқа «ҳамкасб»ларидан фарқли ўлароқ, доимий равишда ўз изланишлари ҳақида журналистлар билан фикрлашиб туради. Шунинг учун ҳам Канада газеталарида Фредрик ва унинг гуруҳи Оук оролида олиб бораётган қазиш ишлари ҳақида доимий мақолалар эълон қилиб туриладиш. Масалан, 1898 йилда чоп этилган газеталардан бири Фредрик гуруҳи 20 та шахта қазигани ҳақида хабар берса, бошқа бир газетада қидирувчилар оролнинг бир четидан учбурчак шаклидаги улкан тош бўлагини топишгани ва ушбу тошга Уильям Кидд хазинаси бекитилган ер ости йўли харитаси туширилгани ҳақида хабар беради. Бироқ дунё бўйлаб қанчалик шов-шув кўтарилмасин, бари бир асосий хазинадан дарак йўқ эди.

**СЎНГГИ ЭМАН...**

Фредрикнинг ўлимидан сўнг яна Оук ороли ҳувуллаб қолади. Фақат 1960 йилларнинг ўрталарига келиб, Роберт Данфильд исм-шарифли муҳандис Оукка келади. Албатта, орадан ўтган юз йилликлар давомида инсоният анча тараққий этган, бир пайтлар инсон ва отлар ёрдамида амалга оширилган ишларни энди замонавий техникага «ишониб» топшириш мумкин эди. Шунинг учун ҳам Роберт энг аввало, Оук оролини синчиклаб ўрганади. Энг қизиғи, у ўзи билан бирга оролга машҳур фолбин ва сеҳргарларни ҳам бошлаб келади. Робертнинг шашти баланд, хазинани топиб олишга сира шубҳа қилмасди. Аммо орадан ҳеч қанча ўтмай унинг барча уриниш-у саъй-ҳаракатлари чиппакка чиқади. Шундан сўнг у бошқача йўл тутади. Яъни маҳаллий аҳоли орасида тарқалган Кидд ва унинг хазинаси билан боғлиқ ранг-баранг афсона ва ривоятларни тўплашга киришади. У бежизга бу ишга қўл урмайди. Чунки бу ривоятларда оролда бирорта ҳам эман дарахти қолмаса, ана шундагина тилсимланган хазина ўз сирини очади, дея айтилганди.

Буни қарангки, муҳандис Роберт ҳам ана шу йўлдан боради. У замонавий бульдозер ва экскаваторлардан фойдаланади. Лекин минг афсуски, бу сафар ҳам хазиналар ороли ўз сирини очмайди. Роберт Данфильд ва унинг шериклари ҳам уйга қуруқ қўл билан қайтишга мажбур бўлишади.

**ПАЛЬМЕРЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ**

Яна Оук ороли билан боғлиқ қизиқ бир воқеа. 1930 йилларда инглиз ёзувчиси Горольд Уилкинс ўзининг **«Капитан Кидд ва Склетлар ороли»** китобини нашрдан чиқаради. Китобда Склетлар оролининг чизмаси ва ушбу оролга қароқчи Кидд томонидан бекитилган хазинанинг харитаси ҳам чоп этилган эди. Аммо Горольд Уилкинс Оук ороли ҳақида умуман эшитмаган ва у ерда хазина қидирувчилар қазиш ишларини олиб бораётганидан ҳам бехабар экан. Лекин у асарда тасвирлаган Склетлар ороли билан Оук ороли ва харитадаги қароқчи Кидднинг хазинаси бекитилган ер ости йўли бир хил кўринишга эга эди. Албатта, Горольднинг асарини ўқиган хазина қидирувчиларни бу ўхшашлик бефарқ қолдирмаслиги аниқ эди.

Охир-оқибат шундай ҳам бўлади. Кўплаб хазина қидирувчилар оролни ташлаб, Горольд Уилкинснинг ҳузурига йўл олишади. Горольд уларга харитани ва қароқчи Кидд ҳақидаги маълумотларни Хуберт Пальмер исм-шарифли кекса коллекционердан олганини айтади. Маълум бўлишича, Хуберт Пальмер ва унинг акаси аввалига ўз уйларида қадимги қароқчилар ҳаётига бағишланган коллекция йиғишган. Кейинчалик эса бу коллекция уй музейига айланган экан. Пальмерларнинг уй музейида қароқчи Кидддан ташқари бошқа машҳур қароқчиларнинг ҳам бир талай шахсий буюмлари сақланади. Энг асосийси, уларнинг коллекциясидан Кидднинг севимли столи, ўз буюмларини сақлайдиган сандиғи, унинг хотини ишлатган махсус қутича ва Склетлар ороли ҳамда ундаги хазина бекитилган ер ости йўлининг харитаси ҳам жой олган.

Албатта, ўша пайтларда хаританинг ким томонидан ва энг асосийси, қачон чизилганини аниқлашнинг иложи бўлмаган. Шунинг учун ҳам ушбу харита ҳақиқатан ҳам, Уильям Киддга тегишлими ёки у ака-ука Пальмерларнинг хаёлоти маҳсулими, бу ҳақда аниқ бир нарса деб бўлмайди.

Лекин шуниси аниқки, 1951 йилда Оук оролига яқин жойда балиқ овлаётган овчилар бир пайтлар чўкиб кетган кема қолдиғига дуч келишади. Албатта, балиқчилар Оук оролида бекитилган хазина ҳақида эшитмаган бўлиши мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам уларда тўрга тушадиган балиқдан келадиган фойдадан кўра, тайёргина хазинани топиб олиб, бойиб кетиш фикри устун келади. Уларнинг бир неча кунлик уринишлари натижаси ўлароқ, кема қолдиқлари сув остидан тортиб олинади. Сув остидан чиқариб олинган бронза кўрсаткичлардан бирида «Уильям Кидд», иккинчисида эса, «Кедахский купец», деган ёзувлар акс этганди. Биз бу икки ёзувга бекорга алоҳида тўхталаётганимиз йўқ. Чунки айнан Уильям Кидд 1698 йилда бир неча тонна олтин қуймалари ортилган «Кедахский купец» кемасини қўлга олгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Демак, «Уильям Кидд» ва «Кедахский купец» кемаларининг Оук ороли яқинидан топилиши, хазина қидирувчилар бир неча асрлардан буён бекорга бу орол атрофида ўралашиб юрмаганидан далолат беради...

Мақолага нуқта қўйишдан аввал шуни айтиш керакки, Оук оролидан бугунги кунда ҳам хазина қидирувчиларнинг қадами узилгани йўқ. Демак, келгусида ҳам Оук ороли ва қароқчи Кидднинг тилсимланган хазинаси ҳақидаги янгиликларни эшитиб қолишимиз мумкин.

***Хорижий матбуот материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади***

*Huquqiy ma`rifat*

# МАЖБУРИЯТ

*уни бажарилишини таъминлашда гаровнинг аҳамияти*

**«Гаров тўғрисида»**ги қонуннинг 1-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 264-моддасига кўра, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров шартнома ёки қонун асосида амалга оширилади. Гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқ гарови тарзида амалга оширилиши мумкин. Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат, деб ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса ипотека ҳисобланади.

Қонуннинг 5-моддасида, ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Биргаликдаги умумий мулк бўлган мол-мулк фақат барча мулкдорларнинг розилиги билан гаровга берилиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт.

Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 273-моддасига асосан агар гаровга қўйилган мол-мулк, бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаров нарсасига айланса (навбатдаги гаров), навбатдаги гаровга олувчининг талаблари олдинги гаровга олувчиларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилади.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасидан келиб чиқиб, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Ундирув қаратилган гаровдаги мол-мулкни сотиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ким ошди савдосида сотиш йўли билан амалга оширилади.

Қонуннинг 32-моддасига кўра, гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

-гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

-гаровга олувчи мажбуриятларни қўпол равишда бузган тақдирда;

-гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида;

-гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида сотилган тақдирда;

-гаров нарсаси бўлган мол-мулк гаровга қўювчидан қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда;

-агар гаровга қўювчи кредиторга янги қарздор учун жавоб беришга розилик бермаган бўлса, гаров билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилган тақдирда;

-даъво муддати ўтганлиги сабабли гаров билан таъминланган мажбурият бўйича ўз талабларини қондириш кредитор учун мумкин бўлмай қолган тақдирда;

-гаров нарсасини ташкил этувчи ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугаган тақдирда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, судларнинг нотариал идора томонидан гаров шартномасини расмийлаштиришда, албатта, мулкдорларнинг ёзма розилигини олиш шартлигига эътибор қаратишлари, кўчмас ёки кўчар мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шартлиги, ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулк ҳақида тузиладиган битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши кераклиги, чунки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг келажакда бузилишига эмас, балки ҳимоя қилинишига қаратилиши лозим.

**Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Х.ЖАЛОЛОВ**


«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ



*Барча юртдошларимизни Янги — 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» билан қутлайди!*

*Йил давомида Сизни яхши кайфият, сиҳат-саломатлик асло тарк этмасин. Хонадонингиздан хотиржамлик, дастурхонингиздан барака аримасин!*

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!






*Jinoyat va jazo*

# ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

**Суд очерки**

Одам боласи бошига фалокат қайдан келишини билмайди ва аксар ҳолларда буни қисматидан кўради. Ваҳоланки, урф-одатларимиз, бобокалонларимиз панд-насиҳатлари бизни ҳар қандай кўргуликдан огоҳ этади, туриш-турмушда ўзимизни қандай тутишимиз лозимлигини уқтиради. Чунончи Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз: **ўз дилингни ғайрдан, яъни ёт фикрлардан эҳтиёт қил, назаринг оёғинг устида бўлсин, токи назаринг пароканда бўлмасин, лозим бўлмаган жойга тушмасин,** деганлар.

Келинг, мулоҳазамизни турмушдан олинган бир ҳаётий воқеа баёни билан давом эттирайлик.

Холмўмин (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўша куни уйқудан уйғонганда кайфияти чоғ эди. Йиғиб қўйган пулларини санаб кўриб, маълум қисмини ажратиб, хонтахта устига қўйди. Икки кундан сўнг онасининг туғилган куни, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар йиғилади, дастурхон тузаш керак, тузукроқ совға сотиб олиш зарур. Шу хаёллар билан у апил-тапил нонушта қилиб, хотинини эргаштириб бозорга отланди. Пешингача бозор айланиб, уйга қайтаркан, кўнгил майлига эрк бергиси келди — тушлик баҳона озгина «отиб» олди.

Маҳалладаги ёшу қари унга «уста», деб мурожаат қилар, тўғриси ҳам, у шу номга муносиб эди. Қўлида гулдек ҳунари бор, шунинг ортидан эл орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга. Рўзғори ҳам бошқаларникидан кам эмас, уй-жойини тузаб олган. Ризқ-рўзи мана шу ҳунари, меҳнатидан келаётгани боис Холмўмин касбига, ишига меҳр қўйганди. Хуллас, ўша куни, гарчи дам олиш куни бўлса-да, ишлаётган жойига электр пайвандчи керак бўлгани боис йўлга отланди. Озгина ичгани учун машина рулини қўшниси Аҳрорга топширди. Иккаласи шаҳар ташқарисидаги таниш пайвандчининг уйига бориб, ишни келишиб олишди. Қайтаётиб у Аҳрорга машинани божасининг уйи томон буришни буюрди. Қариндош деган бир-бирини йўқлаб турмаса, орадан меҳр кўтарилади, боз устига, индин кунига белгиланган тадбирга божасини таклиф қилмоқчи бўлди. Холмўмин божаси Ғайратникига етиб келганида шом палласи эди, баҳор ҳавоси кўнгилга алланечук сурур бағишларди. Ҳовлида бекорчиликдан куймаланиб юрган Ғайрат божасини кўриб кўнгли кўтарилди, улар қучоқлашиб кўришишгач, учрашувни «ювмоқчи» бўлишди. Ғайрат уйда ўтирамиз деганига қарамай, Холмўмин божасини кўчага бошлади. Улар машинага ўтиришиб, яқин орадаги қаҳвахонани мўлжаллаб йўлга тушишди. Йўл-йўлакай дўконга кириб, ароқ, пиво олишди. Қаҳвахонада ошпазга кабоб буюриб, иштаҳаочарга икковлон бир шиша ароқни бўшатишди.

Худди ўша маҳал бошқа бир «қаҳрамон»имиз — Неъмат уйида телевизор кўриб ётганди. Хотинининг «ўртоғингиз Фахриддин чақираяпти», деганини эшитиб, жойидан учиб турди. Дарвоқе, у бекорчиликдан зерикиб ўтирган, кўнгилхушлик қилишга эса баҳона йўқ эди. Фахриддин ўртоғига озгина пиво ичиб, бироз кўнгил ёзишни таклиф қилди. Таклиф Неъматга мойдек ёқиб тушди. Икки дўст пивохонада «қиттак-қиттак» қилишгач, кўчага чиқишди. Энди уларнинг нафси ароқ тусади ва иккаласи кўчанинг нариги тарафидаги қаҳвахонага йўл олишди. Бу маҳал шу қаҳвахонада ўтирган Холмўмин билан Ғайратнинг кайфлари ошган, нима мақсадда, қаерда, ўтиришганини ҳам унутишган эди. Неъмат билан Фахриддин уларга яқинроқ столга ўтириб, овқат буюраётганда Ғайрат Неъматни ёнига чақирди. Неъматнинг хуши ҳали ўзида эди, шу боис Ғайратнинг алмойи-алжойи гапларига кулиб қўя қолди. Ғайратнинг қистови билан столлар қўшилди. Неъмат бир шиша ароқ буюрди. Янги танишлар орадан меҳр-оқибат кўтарилмасин, деган тилакда қадаҳ кўтаришди.

Ғайрат кайфи ошиб қолган божасини туришга ундади, Холмўмин бўлса: бошқа жойга бориб улфатчиликни давом эттирамиз, деб оёқ тираб туриб олди. У ҳалигина танишган Неъматни «сен»сираб кўчага чиқиб, такси тутиб келишни буюрди. Неъмат пули қолмаганини айтганида Холмўмин: «Пулинг бўлмаса, нега бизга қўшилиб ўтирдинг», дея сўкиниб, унинг кўкрагига мушт туширди. Неъмат яқинда қамоқдан озод бўлганини, уришиш нияти йўқлигини айтиб, Фахриддин билан кўчага чиқди. Холмўмин унинг ортидан бориб, кўчада яна жанжал қўзғади. Кайфнинг таъсири-ю, ноҳақ ҳақоратлар аламидан Неъмат Холмўминнинг юзига мушт қўйди. Ерга ағанаб тушган Холмўминнинг боши бетонга тегиб ёрилди. Бир пасда уст-боши қонга беланди. Қўрқиб кетган Неъмат воқеа жойидан қочди. Холмўмин эса, унинг ортидан югурди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, Неъматга етолмади. Устига-устак икки-уч бор юзтубан йиқилиб, юзлари шилиниб, қовоқлари ёрилиб кетди...

Холмўминни саҳар палласи қонига беланиб ётган жойда ички ишлар ходимлари кўриб қолишиб, касалхонага олиб боришди. Холмўмин кўп қон йўқотгани, шифокорларнинг уринишлари зое кетди.

Шундай қилиб, яхши ниятда уйидан чиққан ёшгина йигит ҳаётдан кўз юмди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди бу ишни кўриб чиқиб, ҳукм эълон қилди. Неъмат Ашуров қилмишига яраша жазосини олди. Ҳар икки ёш оиланинг болалари етим, қаровсиз қолди.

Эҳтимол, ўша куни Холмўмин ишини битириб, тўғри уйига қайтганида, бу кўргулик рўй бермасмиди? Неъмат ўртоғининг гапига кириб, санқимаганида иккинчи бор қора курсида ўтирмасмиди? Ҳа, эҳтимоллар кўп. Лекин ғишт қолипдан кўчди: бир навжувон йигит бевақт қазо қилди, иккинчиси умрининг навқирон палласини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Келинг, муҳтарам газетхон, бу йигитларнинг фожиасига алоқадор эҳтимолларни бир четга қўйиб, машъум воқеанинг туб сабабларини мушоҳада қилиб кўрайлик. Бир қарашда бахтсиз тасодифдай туюладиган ушбу ҳодиса аслида эҳтиётсизлик оқибатими? Турмушидан нолийдиган жойи йўқ, бошларига бирор-бир оғир ташвиш тушмаган, топиш-тутиши яхши, оилалари тинч бу йигитларга нима етишмасди? Улар бу кўргуликка ўз оёқлари билан боришди. Уларни ҳеч ким мажбурлаб ичиргани йўқ. Ҳа, улар кўнгил майлига, кейин эса, нафс қутқусига учиб фалокатга йўлиқишди.

Маърифат нури билан ёришмаган қалбга ҳар қандай майл-истак ин қуради, маърифатсиз кўнгил кишини минг кўйга солади. Маърифат нури нафс, бекорчи, зиёнкор майллар пайини қирқади, деб таълим беради улуғ боболаримиз.

Баён этганимиз — ушбу воқеа бир сабоқ бўлса, урф-одатларимизга, ота-боболаримиз панду насиҳатларига, маърифат ва маданий турмуш тарзига кўнгилларда имкон қадар рағбат уйғонса — муродимиз шудир.

**Олия ТОШМАТОВА, ҳуқуқшунос, Шерзод ОЧИЛОВ, журналист**


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-1416. Тиражи — 7500.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6